

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzARB  
muammolari**

Jild 3, Son 7/S  
**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/7 (3)-2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиғи.

### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Холлиев Азизбек Гўзалович</i> РОССИЯ-АМЕРИКА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ) .....	7-13
<i>Юлдашев Сайданварбек Баҳромжон ўғли</i> ФАРГОНА СОМОНИЙЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР .....	14-25
<i>Бобоҷонов Шавкат Улуғбековиҷ</i> ФЕНОМЕН БАҲАУДДИНА НАҚШБАНДИ В ПАЛОМНИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ОАЗИСА .....	26-31
<i>Raxmonqulova Masuma Mengniqulovna</i> ZARDUSHTIYLIK DINIGA OID YOZMA MANBALARNING ARXEOLOGIK MANBALARDA AKS ETISHI .....	32-39
<i>Isarov Umidulla Isar o'g'li</i> “ILK KO'CHMANCHILAR” ATAMASI MUAMMOSI .....	40-45
<i>Исламов Шарифжон Ганиджанович</i> “КЕНГАШ” ЖУРНАЛИДА СИЁСИЙ, ДИНИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ .....	46-54
<i>Фарманова Гулнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ И ИССЛЕДОВАНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ ХХ ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ РАБОТ Г.В.ГРИГОРЬЕВА И А.И.ТЕРЕНОЖИНОЯТ КОДЕКСИИНА) .....	55-64

### **8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Ablazov Nurillo Xusanboyevich</i> QURILISH KORXONALARIDA DAROMAD VA XARAJATLARNI TAN OLISHNING XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI .....	65-71
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i> ONLAYN MOLIYAVIY XIZMATLARNING XUSUSIYATLARI .....	72-79
<i>Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна</i> ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИННИГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ .....	80-90
<i>Norkochkarov Abdulaziz Ziyadullaevich</i> PRACTICAL ASPECTS OF CREATING COST ESTIMATE IN BUDGET ORGANIZATIONS .....	91-98
<i>Темиров Шоҳруҳжон Пўлатхўжа ўғли</i> КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ, ДАРАЖАЛАРИ ВА БАРҚАРОРЛИГИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ (ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	99-108

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Raximova Dildora Abzalovna</i> GLOBAL MUAMMOLAR FALSAFASI .....	109-114
---	---------

*Искандаров Жаҳонғир Шарипович*  
ИНТУИЦИЯ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ..... 115-121

*Xadjamuratova Matlyuba Xashimovna*  
YOSHLARNI IJTIMOIY HIMOYA QILISHNING INNOVATSION XUSUSIYATLARI ..... 122-128

## 10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Axmedov Oybek Saparbaevich*  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ  
ХОДИСАСИНИНГ ЎРНИ ..... 129-137

*Rasulova Gulbahor*  
AYRIS MYORDOK IJODIGA ILMIY-NAZARIY YONDASHUVLAR ..... 138-143

*Norqobilov Sanjar Rahmat o'g'li*  
КОГНИТИВ ЛИНГВИСТИКА ФАНИНИ ТАQQOSLASHNING UMUMIY TENDENSIYALARI ..... 144-149

*Bobojonov Dilshod Jumaqul ugли, Halilova Shohista Muhammadi qizi, Umarova Maftunbonу*  
*Umidjanovна, Turdaliyeva Shahnoza O'ktamovна, Gulnora Xolmurodova Sattorovна*  
LINGUISTIC FEATURES OF THE MODERN NEWSPAPER LANGUAGE: ANALYSIS AND  
RESEARCH ..... 150-159

*Sodikova Bakhtigul Ibodullaevna, Berdiyev Suhrob Sobirovich, Togaev Bobur Erkin ugли, Hafizov*  
*Sarvar Boborajab ugли, Maxsumov Rustam Maxamadiyevich*  
CHARACTERISTICS OF THE NEO-VICTORIAN NOVEL IN THE "FRENCH LIEUTENANT'S  
WOMAN" BY JOHN FOWLES ..... 160-166

*Xolmuxamedov Baxtiyor Farxodovich*  
О'ЗБЕК ТИЛИДА YARATILGAN CHAPPA (TERS) LUG'ATLAR HAQIDA ..... 167-176

## 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

*Tўраев Сардор Абдихаким ўғли*  
БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР  
ЭТИЛАДИГАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК  
МАСАЛАЛАРИ ..... 177-187

## 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Kaziyeva Turg'unoy Tursunbayevna*  
MATNNING GERMENEVTIK KONTSEPTSIYASI VA KOGNITIV GERMENEVTIKA ..... 188-192

*Xaydarov Azamjon Asqarovich*  
“OZIQ OVQAT TEXNOLOGIYASI YO'NALISHI” TALABALARINI UMUMIY KIMYO KURSINI O'QITILISHDA  
INTEGRATIV TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY METODIK ASOSLARI ..... 193-198

*Allamurodova Sabohat Ibodullayevna*  
ADABIY TA'LIM TIZIMIDA KULTUROLOGIK YONDASHUV ..... 199-204

*Gaynullaeva Yulduz Anvarovna*  
PROFESSIONAL AND AESTHETIC APPROACH TO TYPES OF WOMEN'S CLOTHING ..... 205-210

*12.00.00 – Юридик фанлар*

**Тўраев Сардор Абдихаким ўғли**  
Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти  
e-mail: [sardor\\_96s@bk.ru](mailto:sardor_96s@bk.ru)

**БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИБ  
СОДИР ЭТИЛАДИГАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК  
МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада муаллиф хорижий мамлакатларда Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган талон-торож жиноятлари учун жавобгарлик масалаларини таҳлил қилган. Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги таҳлилини амалга оширган ҳолда, муаллиф, уларни З гурӯхга ажратиш мумкинлигини асослантирган. Мақола якунида илғор чет эл тажрибасидан унумли фойжаланиш мақсадида миллий қонунчиликка ўзгартиришлар киритишга оид қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ахборот технологиялари, рақамли иқтисодиёт, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар, виртуал олам, Интернет тармоғи, ахборот уруши, кибержиноятчилик, киберхавфсизлик.

---

**Turayev Sardor Abdikhakim ugli**  
Independent researcher of  
Tashkent State University of Law

**ISSUES OF RESPONSIBILITY FOR LOOTING CRIMES COMMITTED USING THE  
INTERNET IN SOME FOREIGN COUNTRIES**

**Abstract.** In this article, the author analyzed the issues of responsibility for robbery crimes committed in some foreign countries using the internet. Having carried out an analysis of the criminal law of foreign countries, the author reasoned that they can be divided into 3 groups. Also, at the end of the article, a number of proposals have been developed to make amendments to national legislation in order to make it more effective from advanced foreign experience.

**Key words:** information technologies, digital economy, computer crime, virtual world, Internet, information warfare, cybercrime, cybersecurity.

---

**Тураев Сардор Абдихаким угли**  
Самостоятельный соискатель  
Ташкентского государственного  
юридического университета

**ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЯ ХИЩЕНИЯ, СОВЕРШЕННЫЕ  
С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНТЕРНЕТА В НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ**

**Аннотация.** В данной статье автор проанализировал вопросы ответственности за преступления хищения, совершенные с использованием Интернета в некоторых зарубежных странах. Проведя анализ уголовного законодательства зарубежных стран, автор пришел к выводу, что их можно разделить на 3 группы. В конце статьи был разработан ряд предложений по внесению изменений в национальное законодательство с целью сделать его более эффективным с учетом передового зарубежного опыта.

**Ключевые слова:** информационные технологии, цифровая экономика, компьютерная преступность, виртуальный мир, сеть Интернет, информационная война, киберпреступность, кибербезопасность.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I7/SY2023N22>

Жиноятларнинг муайян турига қарши қураш соҳасида хорижий тажрибани тадқиқ этиш ҳозирги вақтда жиноят ҳуқуқи бўйича тадқиқотларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У миллий қонунчиликнинг кўпгина муаммоларига ўзгача нуқтайи назардан ёндашиш, унинг камчиликларини бартараф этиш йўлларини аниқлаш имконини беради. Трансмиллий хусусиятга эга бўлган жиноятларни кўриб чиқиша қиёсий таҳлил алоҳида аҳамият касб этади. Бундай жиноятлар қаторига Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни ҳам киритиш мумкин.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги таҳлили Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкинлигини кўрсатди:

1) компьютер техникаси ва маълумот ташувчи воситаларни ноқонуний равища эгаллаш, олиб қўйиш, йўқ қилиш ёки шикаст етказишга қаратилган жиноятлар;

2) компьютер ахборотидан ноқонуний фойдаланиш, модификациялаштириш, вирус дастурларини ишлаб чиқиш, фойдаланиш ёки тарқатишга қаратилган жиноятлар, яъни компьютер ахбороти жиноий таҳдид обьекти ҳисобланади;

3) компьютер ва бошқа компьютер техникасидан жиноят содир этиш қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиб, ахборотни алмаштириш ёки компьютер тизимиға ёлғон ахборотларни киритиш орқали ўзганинг мулкига эгалик қилишга қаратилган жиноятлар.

Қайд этиш керакки, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар охирги пайтларда ўзгалар мулкини талон-торож қилишда ифодаланадиган қилмишлар қўринишида кўп учрамоқда. Бунда, айтиш мумкинки, Интернет тармоғи жиноят содир этиш воситаси ўлароқ хизмат қилмоқда. Бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили уларни шартли равища қуйидаги гуруҳларга ажратиш имконини берди:

1) мулкка қарши жиноятлар тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар кенг талқин қилинган ва компьютер талон-торожликлари қонун аналогияси бўйича квалификация қилинадиган давлатлар. Бу давлатларда компьютер талон-торожликлари учун маҳсус нормалар мавжуд эмас. Бундай қилмиш тегишли равища ўғирлик, фирибгарлик ёки ўзлаштириш ёхуд растрата сифатида квалификация қилинаверади. Жумладан, Франция Жиноят кодекси Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг турли таркиблари назарда тутилган кўплаб жиноятларни ўзида мужассам этган: ахборотлаштириш тизими маълумотларини қайта ишлаш фаолиятига тажовуз қилиш; ЭҲМ маълумотларини қайта ишлаш ва карточкалардан фойдаланиш билан боғлиқ тажовуз; компьютер ахборотидан давлат манфаатларига зарар етказиш мақсадида

фойдаланиш. Бироқ Франция Жиноят кодекси компьютер воситасидан фойдаланиб мулкий муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган жиноятдан ҳимоя қилишини назарда тутувчи жиноят таркибини алоҳида ажратмаган. Шу билан бирга, Франция Жиноят кодекси ахборот тизими ва уларнинг дастурий таъминотини ҳимоя қилишини назарда тутади [1].

2) компьютер талон-торожликлари оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат сифатида мулкка қарши жиноятлар билан квалификация қилинадиган давлатлар. Жумладан, Россия Федерациясининг Жиноят кодексида “компьютер воситаси ёрдамида талон-торож” қилганлик учун жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқий норма мавжуд эмас. Компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда содир этилган талон-торож жинояти, амалиётда фирибгарлик ёки бинога ноқонуний равишда кириш орқали содир этилган уғрилик деб баҳоланади. Бундан ташқари бундай хатти-ҳаракатлар учун РФ Жиноят кодекси 272-моддаси билан қўшимча равишда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади [2].

3) мулкка қарши жиноятларга маҳсус қонунлар татбиқ этиладиган давлатлар. Бунда компьютер талон-торожликлари учун Жиноят кодексида эмас, балки алоҳида қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилади. Жумладан, Буюк Британиядан Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарлик Парламент томонидан қабул қилинган статутларда белгиланган. Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи асосий қонун ҳужжатлар сифатида қўйидагиларни ажратиш мумкин: Компьютер орқали суиистеъмол қилиш ҳақида Қонун (1990 йил), Телекоммуникация ҳақида Қонун (1997 йил), Ахборот ҳимояси ҳақида Қонун (1998 йил); Электрон коммуникация ҳақида Қонун (2000 йил) ва бошқалар. Бироқ мазкур қонунларда ўзганинг мулкига таҳдид қилиш билан боғлиқ компьютер жинояти таркиби ажратилмаган. 1990 йилдаги Қонунга мувофиқ Компьютер орқали суиистеъмол қилиш деганда, компьютер материалларига ноқонуний кириш; бошқа жиноятни содир этишни осонлаштириш ёки содир этиш мақсадида компьютер материалларига ноқонуний кириш; компьютер материалларини ноқонуний модификация қилиш тушунилиши белгиланган [3].

Ёпиқ ахборотни телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда алдов йўли билан олиш мақсадида предметларга эгалик қилиш ва уларни бошқа шахсларга етказиб бериш учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар предметлардан фойдаланиш ҳар қандай маълумотларни ёзиш учун қўлланиладиган предметлар билан муомалада бўлишни, шунингдек мазкур маълумотлардан кейинчалик хизматларни ғирромлик билан олиш ниятида фойдаланишни ўз ичига олишини конкретлаштирадиган “Телекоммуникациялар (алдовлар) тўғрисида”ги қонунда мавжуд (1(6)-модда). Компьютер технологияларидан фойдаланиш йўли билан содир этиладиган талон-торожларни квалификация қилиш қисмида “Ўғрилик тўғрисида”ги қонунда ҳам қўлланилади. Бу ерда гап компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда алдов йўли билан содир этиладиган мулкий жиноятлар (ўғрилик, алдов йўли билан мол-мулк ёки хизматларни олиш, ўғирланган мол-мулк билан боғлиқ жиноятлар, товламачилик) ҳақида боради [4].

4) Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган талон-торож бўйича жиноят қонунида алоҳида модда ажратилган давлатлар. Бундай давлатларда

компьютер талон-торожликлари алоҳида жиноят таркиби, компьютер техникасидан фойдаланиш жиноий мақсадга эришишнинг алоҳида воситаси сифатида қаралади.

Европа мамлакатлари жиноят қонунлари таҳлил уларда ўзгалар мулкини компьютер воситасидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилганлиги кузатилади.

Жумладан, Испания Жиноят кодексининг 248-моддасида компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. 249-моддага мувофиқ, агар талон-тарож қилинган мулк миқдори 400 евродан ортиқ бўлса, қилмиш б ойдан 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Испания Жиноят кодексининг 250-моддасида жазони оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати келтирилган: 1) агар қилмиш биринчи зарурат ашёларига, яшаш жойига ёки алоҳида ижтимоий қимматга эга бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан содир этилган бўлса; 2) агар қилмиш компьютер ахборотини ёки ҳар қандай турдаги расмий ҳужжатни нобуд қилиш ёки ўзгартериш билан боғлиқ бўлса; 3) агар қилмиш бадиий, маданий ёки илмий қимматга эга объектларга нисбатан содир этилган бўлса; 4) агар қилмиш жабрланувчига унинг мулкий ҳолатини ва унинг оиласи тўқчилигини ҳисобга олганда анча миқдорда зарап етказган бўлса; 5) агар талон-тарож қилинган мулк миқдори 50 минг евродан ортиқ бўлса; 6) агар қилмиш ишончли муносабатлардан, шунингдек ўз хизмат мавқейидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса; 7) агар қилмиш суд томонидан мулқдорнинг ёки мол-мулк бошқа эгасининг зарапига ғайриқонуний қарор қабул қилинишини белгилаган далилларни сохталаштириш билан боғлиқ бўлса. Компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарликнинг ўта оғир кўринишлари учун энг оғир жазо тўрт йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишдир.

Португалия жиноят қонунчилигига кўра, компьютер фирибгарлиги 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Компьютер фирибгарлигини кўп миқдорда ва жуда кўп миқдорда содир этганлик мазкур жиноятнинг жазони оғирлаштирадиган ҳолатлари ҳисобланади (тегишли равишда 5 йилгача ва 2 йилдан 8 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади).

Германия Жиноят кодексининг 263а-моддасига мувофиқ, ўзи ёки учинчи шахс учун мулкий наф кўриш ниятида ҳаракат қилиб, маълумотларга ишлов бериш натижасида дастурларни нотўғри яратиш нотўғри ёки нотўлиқ дастурлардан фойдаланиш йўли билан таъсир кўрсатиш, маълумотлардан қонунга хилоф равишида фойдаланиш йўли билан маълумотларга ишлов бериш натижасига ғайриқонуний таъсир кўрсатиш орқали ўзга шахснинг мол-мулкига зарап етказган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши лозим (беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади). Мазкур модданинг 2-қисмida компьютер фирибгарлиги содир этишга тайёргарлик кўрганлик: компьютер дастурини яратганлик, тегишли асбоб-ускуналарни эгаллаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган (уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади).

Германия жиноят ҳуқуқи тадқиқотчилари компьютер фирибгарлигининг қўйидаги шаклларини фарқлайдилар: 1) онлайн-аукционларда ёки интернет-дўконларда сотиб олинган товарлар билан содир этиладиган фирибгарлик; 2) кредит карталари билан, шу жумладан банкоматларда содир этиладиган фирибгарлик; 3) ҳисобварақлар ва жиноий йўл билан қўлга киритилган пул маблағларини

ошкорлаштириш билан боғлиқ фирибгарликнинг янги усуллари, масалан, пул маблағларини депонентга қўйиш бўйича компаниялар ташкил этиш; 4) адреслар китоблари ёрдамида алдов схемаларидан фойдаланиш йўли билан содир этиладиган реклама фирибгарлиги; 5) инсофли рақобат соҳасида фирибгарлик (масалан, рақобат соҳасида устунликни алдов йўли билан қўлга киритишга қаратилган фирибгарлик); 6) хизматларнинг интернет-рекламасидан (ёки “спонсорлар рўйхатлари”дан) фойдаланишга асосланган клик-фирибгарлик, масалан, “бир клик” билан суғурта қилиш [5]. А.Э.Жалинский қайд этиб ўтганидек, немис қонун чиқарувчиси фирибгарликнинг икки турини аниқ белгилаган: 1) умумжиноий (анъанавий) фирибгарлик; 2) ахборот борасида фирибгарлик (компьютер фирибгарлиги). Компьютер фирибгарлигининг мазмуни шундаки, алдаш одамга нисбатан эмас, балки дастурга нисбатан амалга оширилади, чунки мол-мулкка зарар етказиш ахборотга ишлов бериш жараёнига таъсир кўрсатиш ва дастурни нотўғри ўрнатиш, нотўғри ёки нотўлиқ маълумотлардан фойдаланиш йўли билан, шунингдек маълумотлардан қонунга хилоф равища фойдаланиш ёки маълумотларга ишлов бериш жараёнларига ғайриқонуний таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади [6].

Австрия Жиноят кодекси 148а-моддасида шахс маълумотларга автоматлаштирилган усулда ишлов бериш жараёнларига маҳсус дастурлар ёрдамида таъсир кўрсатиш, маълумотларни киритиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиб ташлаш ёхуд маълумотларни йўқ қилиб ташлаш йўли билан ёки маълумотларга ишлов бериш жараёнига таъсир кўрсатадиган бошқа усулда ғайриқонуний мулкий наф кўриш мақсадида етказган мулкий зарар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур жиноятнинг асосий таркиби 6 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки 360 кунлик ставкагача жарима билан жазоланади. Фирибгарлик ҳаракатларидан кўрилган зарар 3 минг евродан ортиқ бўлган ҳолда, қилмиш 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, агар етказилган зарар 50 минг евродан зиёд бўлса, айбор 1 йилдан 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади [7].

Швейцария Жиноят кодекси 147-моддасида компьютер фирибгарлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур модданинг 1-қисмида компьютер ахборотидан ғайриқонуний мақсадларда нотўғри ва (ёки) қонунга хилоф равища фойдаланганлик натижасида мулқдорга ёки мол-мулкнинг бошқа эгасига зарар етказганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган (5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади). Шундай қилиб, мазкур қилмиш компьютер маълумотларидан фойдаланган ҳолда мулкий зарар етказишнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Мазкур қилмишни тамагирлик ниятларида содир этганлик учун жиноий жавобгарлик кўрсатилган модданинг 2-қисмида назарда тутилган (ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади). Мазкур модданинг 3-қисмига мувофиқ, шахс ўз қариндошига ёки оила аъзосига нисбатан содир этган компьютер фирибгарлиги учун жиноий таъқиб қилиш фақат жабрланувчининг аризасига биноан амалга оширилади [7].

Голландияда 1993 йилда “Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар тўғрисида”ги маҳсус қонун қабул қилиниши билан ушбу кураш янада мустаҳкамланди. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бундай маҳсус қонун кодификацияланган қонунчиликка эга мамлакатлар орасида ягона. Голландия Жиноят

кодекси ушбу қонун асосида норматив база билан тўлдирилган. Голландия Жиноят кодекси ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири унда қонун чиқарувчининг компьютер жиноятчилиги соҳасидаги атамаларни изоҳлаб берганлигидадир. Чунончи, Голландия Жиноят кодекси 80-моддасида “маълумот” “компьютер қурилмалари ва тизимлари” (электрон қурилмалардаги маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган қурилмалар) каби атамалари мазмуни очиб берилган [8].

АҚШнинг компьютер жиноятчилигига бағишлиланган қонунчилиги, алоҳида хусусиятга эгалиги ва доимий янгиланиб борилиши билан фарқланади. АҚШнинг компьютер жиноятчилигига бағишлиланган Асосий қонуни 1986 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, “Компьютер билан боғлиқ фирибгарлик ва суиистемол қилиш” деб номланади. Кейинчалик “компьютердан фойдаланиб, фирибгарлик жинояти” АҚШнинг қонунлар тўпламига киритилди. Қонунлар тўпламиning 1030 (а) (4) параграфида компьютердан фойдаланиб фирибгарлик, яъни қийматга эга ҳар қандай нарсага эгалик қилиш мақсадида компьютердан фойдаланиб, йил давомида 5 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган, компьютер вақтидан ноқонуний фойдаланиш, яъни компьютер сервери ва уланиш тизимидан бепул фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган [9].

АҚШ федерал қонунчилигига компьютер алдовлари компьютер технологияларидан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида янги маълумотлар яратиш ёки мавжуд маълумотларни бузиб кўрсатиш йўли билан қонунга хилоф равища фойдаланишни ўз ичига олади. АҚШ Қонунлар тўплами 1030 (а) (4)-ҳда бирон-бир мол-мулкни алдов йўли билан олиш мақсадида ҳимояланган компьютердан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш, бир йил давомида 5000 АҚШ долларидан ортиқ миқдорда компьютердан фойдаланиш натижасида мол-мулкни қўлга киритиш, 1030 (а) (6)-ҳда қасдан, алдаш ниятида компьютер ахборотининг ғайриқонуний трафикини амалга ошириш натижасида давлатлараро ёки ташқи савдога зарар етказиш, 1644-§.да савдо соҳасида кредит карталари билан ғайриқонуний транзакцияларни амалга ошириш учун жавобгарлик назарда тутилган [10].

Япониянинг ахборот технология соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ичida Жиноят кодекси ва “Компьютер алоқа тизимиға ноқонуний кириш ҳақида”ги Қонуни (2000 йил) алоҳида ажратиш мумкин. Япония Жиноят кодекси 246-II-моддасида компьютер фирибгарлиги, яъни ўзи ёки учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойда олишга қаратилган, бошқа шахслар томонидан иш жараёнида ёлғон маълумотлар ёки топшириқлардан фойдаланиш ёки бошқа шахсларнинг иш фаолиятига қалбаки электромагнит ёзувларини қўллашдан иборат бўлган маълумотларни компьютерга киритиш натижасида мулк ҳукуқини олиш, ўзgartiriш ва йўқотилишга қаратилган қалбаки электромагнит ёзувларини ишлаб чиқариш учун жавобгарлик белгиланган. “Компьютер алоқа тизимиға ноқонуний кириш ҳақида”ги Қонунига мувофиқ ахборот маълумотлар базаси, тизими ва алоқа тизимининг қонуний эгаларига зарар етказиш, фойда олиш мақсадида ундан фойдаланиш, ахборотни бузиш, уғрилаш мақсадида компьютер ахборот ва алоқа тизимиға ноқонуний кириш жиноятини алоҳида кўрсатиш лозим. Шунингдек, Япония Жиноят кодекси 246-2-моддасида ҳам компьютер фирибгарлиги учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган [11].

1997 йил октябрда кучга кирган Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексисида компьютер жиноятчилиги учун жавобгарлик белгиланган беш модда мавжуд бўлса [12], 2000 йилда қабул қилинган қарор билан 15 турдаги компьютер хуқуқбузарликлари жиноят сифатида таъқиқланди [13]. Жумладан, XXР Жиноят кодексининг 287-моддасида компьютер воситасидан фойдаланиб молиявий фирибгарлик содир этиш, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, оммавий молиявий маблағларни ўзлаштириш ёки растрата қилиш, давлат сирини қўлга киритиш учун жавобгарлик назарда тутилган [14].

Чет эл давлатларининг жиноят қонунчилигига криминаллаштириш “майдончаси” ахборот борасидаги хавфсизликка тўғридан-тўғри тажовуз қиласидан қилмишларни ўз ичига олиш билан бир қаторда, ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ижтимоий хавфли тажовузларни ҳам қамраб олади. Ҳозирги вақтда чет эл мамлакатларининг жиноят қонунларига мазкур нормаларни киритиш қуидагиларга қаратилган:

- 1) компьютер технологиялари соҳасида талон-торож учун жавобгарликни маҳсус жиноят-хуқуқий нормада киритиш;
- 2) ахборот технологияларидан фойдаланиш белгисини талон-торожнинг қилмишни криминализациялаштириш белгиси сифатида белгилаш;
- 3) компьютер ахборотини жиноий тажовуз предмети деб эътироф этиш ёки компьютер технологияларидан фойдаланишни турини жиноятлар содир этиш усуллари ва воситаларидан бири [15] ёки квалификация қилувчи белгиси сифатида криминализациялаштириш;
- 4) кибержиноятларнинг турларини янгилаш.

1. Айрим чет эл мамлакатларида турли ахборот технологияларидан фойдаланиш ўйли билан содир этилган талон-торож учун жавобгарлик талон-торож – фирибгарлик (Россия, Молдавия) ёки алдов хусусиятига эга бўлган жиноятлар (Буюк Британия, Австралия, АҚШ) учун жавобгарлик тўғрисидаги маҳсус жиноят-хуқуқий нормаларда белгиланган.

2. Бугунги кунда айрим чет эл давлатларининг жиноят қонунчилигига ахборот технологиялари, компьютер техникиси ва ахборот тармоқларидан, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланишни ўғирликнинг турли шакллари ва турларини криминологик белгилари сифатида эътироф этиш, шунингдек ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақсадисиз қўлга киритиш таркибларида ахборот технологияларининг “амал қилиши” тенденцияси кузатилмоқда. Давлатларнинг мазкур гуруҳига МДҲ иштирокчиси бўлган Беларус Республикаси сингари давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон киради.

3. Бир қатор мамлакатларнинг жиноят қонунчилигига “компьютер технологиялари” тушунчаси, биринчидан, кибержиноятлар предмети билан бир хиллаштирилди, иккинчидан, турли жиноятлар – иқтисодий фаолият соҳасида, шахс озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши, аҳоли саломатлиги ва маънавиятга қарши, конституциявий тузум асослари ва давлат хавфсизлигига қарши жиноятларни содир этиш усуллари ва воситаларидан бири деб эътироф этилади (Буюк Британия, Беларус, Қирғизистон, Тожикистон).

Буюк Британияда, масалан, Телекоммуникациялар (алдовлар) тўғрисидаги 1997 йил Конунида ёпиқ ахборотни телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда алдов йўли билан олиш мақсадида предметларга эгалик қилиш ва уларни бошқа шахсларга етказиб бериш (1(6)-модда) – ҳар қандай маълумотларни ёзиш учун қўлланиладиган предметлар билан муомалада бўлиш, шунингдек мазкур маълумотлардан кейинчалик хизматларни ғирромлик билан олиш ниятида фойдаланиш учун жавобгарлик назарда тутилган [16].

4. Чет эл мамлакатларининг қонун хужжатларида кибержиноятчиликка қарши курашиш жиноят-хукуқий чораларини ривожлантиришнинг яна бир тенденцияси чет эл мамлакатларининг жиноят қонунчилигига ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига хос бўлмаган нормаларнинг белгиланишидир. Бунга мисол тариқасида қўйидаги жиноят таркиблари учун жиноий жавобгарликнинг белгиланишини келтириш мумкин: компьютер ахборотини сохталаштириш (Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 273<sup>2</sup>-моддаси, Молдова Жиноят кодексининг 260<sup>6</sup>-моддаси); кибержиноятлар содир этиш учун тайёрланган воситалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш (Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 273<sup>1</sup>-моддаси); қонун билан қўриқланадиган, ахборот тизимидағи электрон жисмда сақланаётган ёки телекоммуникация тармоқлари орқали узатилаётган ахборотни узатишга зўрлик ишлатиш ёки мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш, жабрланувчини ёки унинг яқинларини шарманда қиласидиган маълумотларни тарқатиш билан қўрқитиш орқали мажбурлаш (Қозоғистон ЖИНОЯТ КОДЕКСИ 209-моддаси); ғайриқонуний мақсадларни кўзлайдиган интернет-ресурсларни жойлаштириш учун хизматлар кўрсатиш (Қозоғистон Жиноят кодекси 212-моддаси).

Шу нуқтайи назардан чет эл мамлакатлари қонун чиқарувчиларининг компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишнинг белгиларини мустақил жиноят таркибларига ижтимоий хавфли оқибатларни уларда аниқлаштириш йўли билан ажратишга нисбатан ёндашувлари диққатга сазовордир. Маълумки, Ўзбекистон Жиноят кодекси 278<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик фақат ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлган ҳолда келиб чиқиши мумкин. Айни вақтда, хукуқий тизимиға кўра бизга яқин бўлган МДҲга аъзо давлатларнинг жиноят қонунчилигига компьютер ахборотининг модификациялаштириши учун жавобгарлик алоҳида нормаларда белгиланган. Масалан, Беларус Республикасининг Жиноят кодексида компьютер тизимида, тармоғида ёки машина ахборот ташувчиларида сақланаётган ахборотни ўзгартириш ёки била туриб ёлғон ахборот киритиш учун (агар бу жиддий зиён етказилишига олиб келган бўлса ва мулкка қарши жиноят белгилари мавжуд бўлмаса) жавобгарлик назарда тутилган (350-модда); Қозоғистон Жиноят кодексида ахборот тизимидағи электрон жисмда сақланаётган ёки телекоммуникация тармоқлари орқали узатилаётган қонун билан қўриқланадиган ахборотни қасдан

қонунга хилоф равища йўқ қилиб ташлаш ёки модификациялаштириш, шунингдек ахборот тизимида била туриб ёлғон ахборот киритиш учун (агар бу фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ёхуд жамият ёки давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари жиддий бузилишига олиб келган бўлса) жавобгарлик белгиланган (206-модда); Тожикистон Жиноят кодексида компьютер тизими, тармоғида ёки машина ахборот ташувчиларида сақланаётган ахборотни ўзгартириш, шунингдек уларга била туриб ёлғон ахборот киритиш учун (агар бу жиддий зарар етказган ёки унинг етказилиши хавфини туғдирган бўлса) жавобгарлик назарда тутилган (299-модда) [16].

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида тадқиқ этилаётган мавзу таҳлили юзасидан қуйидаги хулоса таклифларни илгари суришимиз мумкин:

1) Ўзбекистон Жиноят кодекси XX<sup>1</sup>-бўлимини таомиллаштириш юзасидан айрим мулоҳазаларни баён этиш зарур, деб ўйлаймиз. Хусусан, Жиноят кодексининг 278<sup>2</sup>-моддаси диспозициясида “электрон ҳисоблаш машиналари” атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу борада ЭҲМнинг замонавий қонунчиликдаги ўрни тўғрисидаги Н.А.Ивановнинг [17] мулоҳазасини қўллаб-қувватлаш лозим. Зотан, ЭҲМ деганда “ҳисоблаш жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш орқали рақамли маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб вазифаларни ечиши осонлаштириш ва енгиллаштиришда фойдаланиладиган техник ва математик восита, усул ва услублар мажмуи” [18] тушунилади. Бу узоқ вақт (бир неча ўн йил мобайнида) давомида уларнинг асосий вазифаси бўлиб келган. Бироқ, электрон ҳисоблаш машиналари мунтазам ривожланиб тараққий этиб борди ва 80 йилларнинг охри 90 йилларнинг бошига келиб “компьютер”га айланди, ушбу тушунча асосида “маълумотларни қайta ишлаш ва ҳисоблашни амалга ошириш ва белгилар устида бошқа мураккаб вазифаларни бажаришга қодир бўлган дастурлаштирилган электрон қурилма” [19] англашилади, шундай экан, ушбу моддада электрон-ҳисоблаш машиналари тушунчасини “компьютер” атамасига алмаштириш қонунчилик техникасининг ҳамда қонун нормасининг амалиётда тўғри қўлланилиши, шунингдек, қилмишнинг тўғри квалификация қилинишини таъминлайди. Шу боис, Жиноят кодекси 278<sup>2</sup>-моддадаги “ахборот-ҳисоблаш тизимлари” сўзларини “компьютер тизими” сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ;

2) Ўзбекистон Жиноят кодекси “Компьютер техникини воситасидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш” деб номланган янги модда билан тўлдирилиши, шу муносабат билан 167-модда 3-қисмининг “г” банди, 168-модда 2-қисмининг “г” банди ва 169-модда 3-қисмининг “б” банди чиқариб ташланишини лозим;

3) компьютер воситасидан фойдаланиб ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равища эгаллаганлик учун жиноий жавобгарликни дифференцияция қилиш, шу мақсадда Жиноят кодексининг 247-моддаси 2-қисмини қуйидаги мазмундаги “е” банди билан тўлдириш таклиф этилади:

“е) компьютер воситасидан фойдаланиб содир этилган бўлса,”.

Худди шундай нормаларни тухмат (139-модда), Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (159-модда), давлат сирларини ошкор қилиш

(162-модда), кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равища эгаллаш (251-модда) ёки муомалага киритиш (251<sup>1</sup>-модда), радиоактив материалларни қонунга хилоф равища эгаллаш (252-модда) жиноятлари нуқтайи назардан ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ;

Буларнинг барчаси ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш соҳасидаги жиноятларга қарши жиноят-хуқуқий кураш чораларини такомилластириш ҳамда бу жараёнда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан унумли фойдаланишни тақозо этади. А.К.Расулов ҳақли равища қайд этганидек, ҳозирда ривожланган мамлакатларда самарали амал қилиб келаётган ва ўзини оқлаб келаётган амалиёт ва тажрибадан фойдаланиб, бу борада бундай механизмни ишлаб чиқиш ва амалга киритишга кўп вақт сарфламаслик зарур [20].

### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Мазуров В.А. Компьютерные преступления: квалификация и способы противодействия. – М., 2002. – С. 11.
2. Бражник С.Д. Проблемы совершенствования норм об ответственности за преступления, связанные с компьютерной техникой. // Налоговые и иные экономические преступления: сб. науч. Ст. Вып. 2. – Ярославль, 2000. – С. 80.; Гончаров Д. Квалификация хищений, совершаемых с помощью компьютеров. // Законность, 2001. № 11. – С. 32.
3. Громев Е.В. Развития уголовного законодательства о преступлениях в сфере компьютерной информации в зарубежных странах (США, Великобритания, ФРГ, Нидерландах, Польше). // Вестник ТГПУ, 2006. № 11. – С. 31-32.
4. Власов И.С., Голованова Н.А., Меньших А.А. Ответственность за компьютерные преступления по законодательству зарубежных государств // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2005. №2. – С. 124.
5. Власов И.С., Голованова Н.А., Меньших А.А. Ответственность за компьютерные преступления по законодательству зарубежных государств. // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2005. №2. – С. 130.
6. Жалинский А.Э. Современное немецкое уголовное право. – М., 2016. – С. 432.
7. Фролов М.Д. Уголовная ответственность за мошенничество в сфере компьютерной информации по законодательству стран Европы и СНГ // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. №4 (39). 2015. – С. 152.
8. Уголовный кодекс Голландии. / Науч. ред. док. юрид. наук Б.В. Волженкин, пер с анг. И.В. Мироновой. 2-е изд. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2015.
9. Степанов-Егиянц В. Ответственность за компьютерные преступления. // Законность, 2005, № 12. – С. 51.
10. Семыкина О.И. Противодействие киберпреступности за рубежом // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. №6. 2016. – С. 107-108.
11. The Penal Code of Japan (Law No. 45 of 1907, as amended by Law No. 77 of 1921, Law No. 61 of 1941, Law No. 124 of 1947, Law No. 195 of 1953, Law No. 57 of 1954, Law No. 107 of 1958, Law No. 83 of 1960, Law No. 124 of 1964, Law No. 61 of 1968, Law No. 30 of 1980, Law No. 58 of 1987, Law No. 31 of 1991).
12. Ян Вэй Фэн. Расследование компьютерных преступлений в Китайской Народной Республике: криминалистические аспекты. Автореф. дисс.... на соис. уч. степ. канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 22- 23.

13. Хуэй Ш.В., Фань И. Компьютерная преступность и правовое обеспечение информационной безопасности: [www.crime-research.ru/library/huey.htm](http://www.crime-research.ru/library/huey.htm)
14. Уголовный кодекс КНР. // [www.ukknr.ucoz.ru/index/0-13](http://www.ukknr.ucoz.ru/index/0-13)
15. Хилюта В.В. Уголовная ответственность за хищения с использованием компьютерной техники // Журнал российского права. 2014. №3. – С. 111-118.
16. Семыкина О.И. Противодействие киберпреступности за рубежом // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. №6. 2016. – С. 111.
17. Иванов Н.А. Компьютерные преступления: необходимость изменения уголовного законодательства. Доклад на IX Международной конференции "Право и Интернет": [www.ifap.ru/pi/09/](http://www.ifap.ru/pi/09/)
18. Вычислительная техника // Большая советская энциклопедия. [Электрон манба]: <http://encycl.yandex.ru/>
19. Компьютер // Глоссарий.ру: Словари по естественным наукам. [Электрон манба]: <http://encycl.yandex.ru/>
20. Расулов А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Дисс. на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2005. – С. 90.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**N<sup>o</sup> S/7(3) – 2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).